

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-СИЁСИЙ ДИСКУРСИДА “ҒАРБИЙ ОСИЁ” КОНЦЕПЦИЯСИ

Кушаев У.Р. –

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
профессори в.б. фалсафа фанлари доктори (DSc)*

Ижтимоий-гуманитар фанлар методологиясида терминология шунчаки лингвистик белги эмас, балки муайян сиёсий ирода, ҳокимият муносабатлари ва стратегик дунёқараш тизимининг концептуал ифодасидир. Мишель Фуко таъкидлаганидек, билим ва дискурс ҳеч қачон нейтрал бўлмади; улар муайян ҳокимият конфигурацияларини шакллантирувчи ва легитимлаштирувчи воситалардир [5]. Шу нуқтаи назардан, халқаро муносабатлар назариясида қўлланилаётган минтақавий атамалар оддий географик тасниф эмас, балки муайян цивилизацион марказнинг геосиёсий манфаатларини акс эттирувчи дискурсив конструкциялардир.

Терминологик ислохотларнинг илмий ва ҳуқуқий асосланиши халқаро эътироф этилган стандартларга таянишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, минтақавий таснифлашда энг нуфузли ва универсал манба сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлими (United Nations Statistics Division — UNSD) томонидан ишлаб чиқилган ва мунтазам янгиланиб бориладиган М49 классификация тизими алоҳида стратегик аҳамият касб этади.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, БМТ амалиётида мустамлакачилик даврининг сиёсий ва идеологик юқламасига эга бўлган «Middle East» атамасидан онгли равишда воз кечилган. Унинг ўрнига географик жиҳатдан нейтрал, аниқ ва илмий асосланган «Western Asia» (Ғарбий Осиё) тушунчаси расмий равишда муомалага киритилган. Бу ҳолат глобал бошқарув тизимида терминологик стандартлашув ва аниқ бир сиёсий куч нуқтаи назаридан талқин этишдан чекиниш (деполитизация) жараёнининг муҳим намунаси ҳисобланади.

М49 классификациясига кўра, Ғарбий Осиё (код 145) минтақаси 18 та суверен давлатни қамраб олади. Ушбу таснифнинг методологик устунлиги шундаки, давлатлар маданий, диний ёки цивилизацион субъектив мезонларга кўра эмас, балки қатъий географик локация асосида бирлаштирилган. Бундай ёндашув геосиёсий талқинлардан холи бўлган объектив координаталар тизимини яратади.

Жадвал: БМТ классификацияси бўйича Ғарбий Осиё (Western Asia) давлатлари (Код: 145)

№	Давлат номи (Ўзбек тилида)	Давлат номи (Инглиз тилида)	БМТ М49 коди
1.	Арманистон	Armenia	051
2.	Озарбайжон	Azerbaijan	031
3.	Бахрайн	Bahrain	048
4.	Кипр	Cyprus	196
5.	Грузия	Georgia	268
6.	Ироқ	Iraq	368
7.	Исроил	Israel	376
8.	Иордания	Jordan	400
9.	Кувайт	Kuwait	414
10.	Ливан	Lebanon	422
11.	Уммон	Oman	512
12.	Қатар	Qatar	634
13.	Саудия Арабистони	Saudi Arabia	682
14.	Фаластин Давлати	State of Palestine	275
15.	Сурия Араб Республикаси	Syrian Arab Republic	760
16.	Туркия	Türkiye	792

17.	Бирлашган Араб Амирликлари	United Arab Emirates	784
18.	Яман	Yemen	887

Илмий жиҳатдан мазкур тасниф «метагеография» (metageography) муаммосини — яъни дунё макони ҳақидаги тасаввурлар ва реаллик ўртасидаги номутаносибликни ҳал этишга қаратилган прагматик уринишдир. Мартин Льюис ва Карен Уиген таъкидлаганидек, анъанавий минтақавий атамалар кўпинча тарихий инерция маҳсули бўлиб, замонавий глобал архитетоникани тўлиқ акс эттирмайди. Шу маънода, «Western Asia» концепцияси ана шу метагеографик чалкашликларни бартараф этиш ва минтақавий тузилишни илмий тизимга солишга хизмат қилади.

Ўзбекистон учун БМТнинг ушбу стандартига таяниш фақат техник ёки статистик эҳтиёж эмас, балки стратегик ва эпистемологик аҳамиятга эгадир:

Интеграция ва мувофиқлик: Бу миллий илмий мактаб ва дипломатик корпуснинг глобал академик ҳамда ҳуқуқий тизим билан концептуал уйғунлашувини таъминлайди.

Дипломатик аниқлик: Ташқи сиёсий дискурда нейтрал ва универсал терминологиядан фойдаланиш халқаро мулоқотда англашилмовчиликларни камайтиради ва Ўзбекистон позициясининг легитимлигини оширади.

Субъектликни англаш: «Western Asia» атамасининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг геосиёсий макондаги ўрнини қайта англаш имконини беради. Мамлакат ўзини кимнингдир «Шарқи» ёки евроцентриқ дунёнинг «периферияси» сифатида эмас, балки Марказий Осиё марказида турган ва атрофдаги маконни миллий манфаатлар призмаси орқали баҳолайдиган мустақил субъект сифатида намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, БМТнинг М49 классификацияси нафақат статистик восита, балки глобал сиёсий дискурда терминологик суверенитетни таъминловчи универсал механизмдир. Ушбу стандартга таяниш «Яқин Шарқ» каби архаик атамалардан воз кечиш ва «Ғарбий Осиё» концепциясини тизимли равишда илмий-дипломатик муомалага киритиш учун мустаҳкам институционал пойдевор яратади [1].

Геоиқтисодий прагматизм: Ғарбий Осиё йўналиши ва Ўзбекистоннинг логистик стратегияси. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий ўзаро боғлиқлик (connectivity) масаласи устувор стратегик йўналиш сифатида қарор топмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлиги» концепцияси транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришда марказий ўрин тутди [4]. Бироқ, геоиқтисодий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун нафақат жанубий, балки Ғарбий Осиё (Western Asia) йўналиши ҳам стратегик муқобил сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий геоиқтисодий ёндашувларга кўра, давлатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси транспорт йўлакларини, денгиз портларига чиқиш имкониятлари ва минтақавий интеграция даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон сингари «икки қарра қуруқлик билан ўралган» (doubly landlocked) давлат учун муқобил логистик йўналишларни диверсификация қилиш миллий хавфсизлик ва иқтисодий барқарорлик масаласидир.

4.1. «Чобохор» ва «Бандар-Аббос» портлари: Ғарбий Осиё дарвозаси

Оммавий ва айрим академик манбаларда Эрон портлари анъанавий равишда «жанубий йўналиш» сифатида тавсифланади. Бироқ, БМТнинг М49 классификациясига мувофиқ, Эрон Ислом Республикаси расман Ғарбий Осиё минтақаси таркибига киради. Демак, Ўзбекистоннинг мазкур портларга чиқиши географик жиҳатдан шунчаки «жанубий вектор» эмас, балки жануби-ғарбий ва Ғарбий Осиё маконига функционал интеграциялашувни англатади.

«Чобохор» порти орқали амалга оширилаётган транспорт лойиҳалари, хусусан, «Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар» (Трансафғон) темир йўли ташаббуси

Ўзбекистонни Ғарбий Осиё иқтисодий тизими билан боғловчи стратегик инфратузилмавий ҳалқага айлантирмоқда.

«Яқин Шарқ» атамаси ушбу маконни маданий ва географик жиҳатдан «бегона» қилиб кўрсатса, «Ғарбий Осиё» концепцияси уни бевосита қўшни ва табиий ҳамкор сифатида қайта англашга хизмат қилади.

4.2. Туркия ва Кавказ: Транскаспий йўлаги орқали Европага чиқиш

БМТ классификациясига мувофиқ, Туркия, Озарбайжон, Арманистон ва Грузия давлатлари ҳам Ғарбий Осиё (Western Asia) минтақасининг таркибий қисмидир. Бу эса Ўзбекистон учун мазкур ҳудудни Европа билан боғловчи геостратегик кўприк сифатида қайта баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда «Транскаспий халқаро транспорт йўлаги» (Middle Corridor) Марказий Осиёдан Кавказ ва Туркия орқали жаҳон бозорларига чиқишнинг энг хавфсиз ва барқарор маршрути сифатида шаклланимоқда. Ушбу йўлак шунчаки транспорт линияси эмас, балки Марказий ва Ғарбий Осиё ўртасидаги янги геоиқтисодий маконнинг пойдеворидир. Агар мазкур ҳудуд евроцентриқ «Яқин Шарқ» атамаси билан номланса, унинг ягона логистик занжир сифатидаги яхлитлиги назардан четда қолади. «Ғарбий Осиё» концепцияси эса бу занжирнинг барча бўғинларини (Ўзбекистон – Каспий – Кавказ – Туркия) мантикий бирлаштиради.

4.3. Геоиқтисодий концепция ва терминологиянинг уйғунлиги

Эдвард Луттвак таъкидлаганидек, давлатларнинг иқтисодий стратегияси уларнинг географик маконни қандай тасаввур қилиши (spatial imagination) билан чамбарчас боғлиқдир.

«Ғарбий Осиё» атамасини тизимли қўллаш Ўзбекистон учун қуйидаги **стратегик афзалликларни беради:**

Ташқи иқтисодий йўналишларни концептуал равшанлаштириш ва прагматик таҳлил қилиш;

Транспорт сиёсатини евроцентриқ филтрларсиз, реал географик координаталарга мослаштириш;

Минтақавий ҳамкорликда терминологик суверенитетни таъминлаш орқали мустақил геосиёсий позицияни мустаҳкамкамлаш.

Хулоса қилиб айтганда, геоиқтисодий прагматизм «Ғарбий Осиё» концепциясини Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларига энг мос келувчи модел сифатида тан олишни тақозо этади.

Қиёсий таҳлил: Ҳиндистоннинг «West Asia Policy» тажрибаси. Ўзбекистон учун терминологик ва геосиёсий қайта концептуализация жараёнида бошқа етакчи давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ҳиндистон Республикасининг ташқи сиёсий лексиконида «Middle East» атамасидан воз кечиб, унинг ўрнига «West Asia» концепциясини тизимли жорий этиши диққатга сазовор стратегик намуна ҳисобланади.

Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги (Ministry of External Affairs — MEA) расмий ҳужжатлари ва дипломатик амалиётида «West Asia» атамаси фақат географик атама эмас, балки миллий географик мантиққа асосланган стратегик фикрлаш маҳсулидир. Ҳиндистон нуқтаи назаридан қаралганда, Форс кўрфази ва Араб ярим ороли давлатлари географик жиҳатдан мамлакатнинг ғарбида жойлашган. Шу боис, уларни евроцентриқ «Шарқ» (East) деб аташ нафақат мантикий, балки илмий жиҳатдан ҳам асоссиз деб баҳоланади.

Ҳиндистон ташқи сиёсатида ушбу терминологик силжиш концептуал суверенитетни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлди. Мамлакат ўз геосиёсий тасаввурини ташқи (евроцентриқ) моделлардан мустақил равишда шакллантиришга эришди. Бу жараён постколониал давлатлар учун хос бўлган интеллектуал деколонизация тенденцияларининг амалий ифодасидир.

Натижада, Ҳиндистон Ғарбий Осиё давлатлари билан муносабатларни янги — «Look West» (Ғарбга назар) сиёсати доирасида прагматик форматда йўлга қўйди. Бу сиёсат қуйидаги устувор йўналишларни камраб олади:

Энергетик хавфсизлик: Нефть ва газ таъминоти занжирини барқарорлаштириш;

Инфратузилмавий боғлиқлик: Чобаҳор порти ва “Шимол-Жануб” йўлаги доирасидаги лойиҳалар;

Геосиёсий мувозанат: Минтақавий куч марказлари билан мустақил мулоқот ўрнатиш.

Муҳим жиҳати шундаки, терминологиядаги ўзгариш дипломатик онгнинг ўзгаришига олиб келди: «West Asia» атамаси орқали Ҳиндистон мазкур минтақани Европа “призмаси” орқали эмас, балки ўз миллий манфаатлари доирасида англай бошлади.

Ўзбекистон учун мазкур тажриба бир неча жиҳатдан долзарбдир:

Терминологик ислохотнинг амалий самараси: Атамани ўзгартириш ташқи сиёсатда янги стратегик устуворликларни белгилашга туртки беради.

Миллий геосиёсий дискурс: Ташқи концептуал моделлардан кўр-кўрона фойдаланиш эмас, балки уларни миллий манфаатлар асосида танқидий қайта ишлаш зарурияти.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳам ўз ташқи сиёсати ва академик дискурсида «Марказий Осиё — Ғарбий Осиё» ўзаро боғлиқлиги концепциясини илгари суриши лозим. Бу нафақат терминологик янгиланиш, балки мамлакатнинг минтақавий идентификациясини янги, суверен босқичга олиб чикувчи геосиёсий тафаккур моделидир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, замонавий халқаро муносабатлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар дискурсида кенг қўлланилаётган «Яқин Шарқ» (Near East / Middle East) атамаси объектив географик реалликни акс эттирувчи нейтрал тушунча эмас, балки тарихий жиҳатдан шаклланган евроцентриқ концептуал конструкция ҳисобланади. Ушбу атама дунёни “Европа маркази”дан туриб таснифлаш анъанасининг маҳсули бўлиб, замонавий глобал архитектоника шароитида ўз илмий ва методологик асосларини йўқотаётгани аён бўлмоқда.

Мақолада амалга оширилган таҳлиллар — тарихий-картографик деконструкция, постколониал ёндашув, БМТнинг М49 классификацияси ҳамда геоиктисодий омилларнинг қиёсий ўрганилиши — «Яқин Шарқ» атамасининг илмий жиҳатдан чекланганлигини ва унинг ўрнига «Ғарбий Осиё» (Western Asia) концепциясини қўллаш зарурлигини тўлиқ асослаб беради. БМТ томонидан расмий тан олинган «Western Asia» таснифи мазкур терминологик трансформация учун мустаҳкам институционал ва методологик пойдевор вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон учун ушбу масала стратегик аҳамиятга эга. Миллий ташқи сиёсатнинг янги босқичида мамлакатнинг минтақавий субъектликка интилиши ва глобал жараёнларда мустақил иштирокчи сифатида намоён бўлиши концептуал аниқликни талаб этади. «Яқин Шарқ» атамасининг инерция сифатида қўлланилиши миллий геосиёсий тафаккурда евроцентриқ қарашларнинг сақланиб қолишига замин яратади. Ҳиндистоннинг «West Asia Policy» тажрибаси эса терминологиядаги ўзгаришлар ташқи сиёсий стратегияни қайта шакллантиришда муҳим дебоча эканлигини тасдиқлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги академик ва амалий таклифлар илгари сурилади:

1. Академик ва методологик даражада:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва олий таълим тизимидаги дарсликлар ҳамда илмий тадқиқотларда БМТнинг М49 стандартини асосий методологик манба сифатида қабул қилиш;

«Яқин Шарқ» атамасини босқичма-босқич илмий муомаладан чиқариб, унинг ўрнига «Ғарбий Осиё» тушунчасини тизимли жорий этиш;

Геосиёсий тадқиқотларда «метагеография» муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, миллий географик мантиқ ва реал координаталарга асосланган янги таҳлилий моделларни ишлаб чиқиш.

2. Амалий-сиёсий даражада:

Давлат бошқаруви органлари ва оммавий ахборот воситалари учун минтақавий атамашунослик бўйича ягона илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ташқи сиёсат ва геоиқтисодий стратегияда (хусусан, Транскаспий халқаро транспорт йўлаги ва Эрон портлари билан боғлиқ лойиҳаларда) «Ғарбий Осиё» концепциясини тизимли қўллаш;

Дипломатик ва таҳлилий ҳужжатларда халқаро стандартларга мос, нейтрал талқиндан фойдаланишни таъминлаш орқали мамлакатнинг терминологик суверенитетини мустаҳкамлаш.

Якуний ҳулоса сифатида таъкидлаш жоизки, атамалар масаласи шунчаки номлаш муаммоси эмас, балки интеллектуал мустақиллик ва миллий манфаатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Дунё харитасини англаш ва номлашда янги ёндашувларни шакллантириш — бу фақат илмий вазифа эмас, балки стратегик заруратдир.

Концептуал якун: Биз дунё харитасини Европа меридианлари асосида эмас, балки миллий манфаатлар ва географик воқелик асосида қайта англашимиз лозим. «Яқин Шарқ» — бу тарихий евроцентрик конструкция, «Ғарбий Осиё» эса — замонавий геосиёсий суверенитетнинг илмий ва дипломатик ифодасидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Agnew, John. Geopolitics: Re-Visioning World Politics. London: Routledge, 2003.
2. Alam, Anwar. "India's 'Look West' Policy and Its Implications." Strategic Analysis 38, no. 6 (2014): 798–812.
3. Amin, Samir. Eurocentrism. New York: Monthly Review Press, 1989.
4. Asian Development Bank. Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Program. Manila: ADB, 2020.
5. Foucault, Michel. Power/Knowledge: Selected Interviews and Other Writings, 1972–1977. Edited by Colin Gordon. New York: Pantheon Books, 1980.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада замонавий халқаро муносабатлар ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида қўлланилувчи «Яқин Шарқ» атамасининг этимологик, тарихий ва геосиёсий мазмуни тизимли таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Ғарбий Осиё, Яқин Шарқ, евроцентризм, геосиёсий дискурс, метагеография, постколониал таҳлил, БМТ М49 классификацияси, Ўзбекистон ташқи сиёсати, геоиқтисодий стратегия, терминологик суверенитет.

РЕЗЮМЕ:

В статье проводится критический анализ этимологического, исторического и геополитического содержания термина «Ближний Восток», широко используемого в дискурсе современных международных отношений и социально-гуманитарных наук.

Ключевые слова: Западная Азия, Ближний Восток, евроцентризм, геополитический дискурс, метагеография, постколониальный анализ, классификация ООН М49, внешняя политика Узбекистана, геоэкономическая стратегия, терминологический суверенитет

RESUME:

The article provides a critical analysis of the etymological, historical, and geopolitical substance of the term "Middle East," which is widely used in the discourse of modern international relations and social sciences.

Keywords: Western Asia, Middle East, Eurocentrism, geopolitical discourse, metageography, postcolonial analysis, UN M49 classification, foreign policy of Uzbekistan, geoeconomic strategy, terminological sovereignty